

“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Тошлоқ тумани Қуйи Яккатут кичик саноат зонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Тошлоқ тумани Қуйи Яккатут кичик саноат зонасини 11.2 м³/сутка ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуктаси**: “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Тошлоқ туман бўлимига қарашли Соё бўйи МФЙ Турон кўчасида жойлашган ичимлик сув кудуғини реконструкция қилиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минорасини таъмирлаш, UZSUVTAMINOT логотипини бўяш ва автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик сувини зарарсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси ўрнатиш ҳамда жами узунлиги 0,8 км ичимлик сув қувури лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатҳи чуқурлиги аниқланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши ҳамда ичимлик сув иншооти худуди ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ўралиши ва видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

Оқава сув бўйича

Тошлоқ тумани Қуйи Яккатут кичик саноат зонасини оқава сув тармоғига улаш учун **уланиш нуктаси**: Худудда жамиятимизга қарашли оқава сув тармоғи мавжуд бўлмаганлиги сабабли СЭО ва ЖС билан келишилган ҳолда лойиха асосида объектининг оқава сувлар хажми хисоблансин ҳамда локал оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга ошириш шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар)

тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.


Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Аке холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хакикий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ


Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

ИЧБ бошлиғи:



С.Абдуллаев